



ЛОЙИҲА

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ЭТИКА КОДЕКСИ

2021 йил

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ	2
II. ГЛОССАРИЙ.....	2
III. ПРОФЕССИОНАЛИЗМ	3
IV. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАР	4
V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ.....	6
VI. БОЗОР МАНИПУЛЯЦИЯСИ	8
VII. АХБОРОТ АЛМАШИШ ВА КОММУНИКАЦИЯ	9
VIII. МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР	10
IX. ҲИСОБ-КИТОБЛАР, БАҲСЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР	11
X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.....	12

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ЭТИКА КОДЕКСИ

I. КИРИШ

Ички валюта бозори Этика кодекси (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) ички валюта бозори иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

Кодекс ички валюта бозори иштирокчиларининг хулқ-атвори, уларнинг барқарор фаолият кўрсатишига асос бўлиб, барча манфаатдор томонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳалол ва ҳолис фаолият юритишлари учун шаклланган умум-ахлоқ нормалари жамланмаси бўлиб ҳисобланади. Изчил ривожланаётган молия бозори иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти ва кучли рағбатидир.

Бозорнинг барча иштирокчилари Кодекс қоидаларига риоя қилиш юқори ахлоқий (этик) стандартларга асосланган бозор фаолияти учун муҳим эканлигини билишлари зарур.

Мазкур Кодекс асосида ички валюта бозорининг ҳар бир иштирокчиси ўз фаолиятининг хусусияти ва кўламини ҳисобга олган ҳолда ички этика кодексини ишлаб чиқиши лозим.

Кодекс Халқаро ҳисоб-китоблар банки (Bank for International Settlements) томонидан қабул қилинган Валюта бозорининг глобал кодекси ҳамда Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида ишлаб чиқилди.

Ушбу Кодекс норматив ҳужжат ҳисобланмасдан, қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри тартибга солинмаган масалалар бўйича тавсиявий характерга эга.

II. ГЛОССАРИЙ

Мазкур Кодексда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ички валюта бозори – валюта биржасида, Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида ҳамда бевосита тижорат банкларида миқозлар билан амалга ошириладиган чет эл валютасини ҳамда валютавий ҳосилавий (дериватив) инструментларни сотиб олиш ва сотиш;

Бозор иштирокчилари – ички валюта бозорида олди-сотди операцияларини амалга оширувчи тижорат банклари ва бошқа институционал ташкилотлар;

Устама нарх – миқозга хизмат кўрсатиш жараёнида амалга оширилган харажатлар ва мавжуд хатарларни инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатувчининг йўқотишлари ўрнини қоплаш мақсадида битимнинг якуний нархига киритилиши мумкин бўлган маржа ёки комиссия.

III. ПРОФЕССИОНАЛИЗМ

Бозор иштирокчилари меҳнат мажбуриятларини профессионал тарзда бажариши учун тегишли тайёргарликдан ўтган ва малакали ходимларга эга бўлиши керак. Бозор иштирокчилари юқори профессионал стандартларга интилишлари лозим.

Юқори профессионал стандартлар қуйидагилар билан таъминланади:

1. Валюта амалиётларига оид ва иш фаолиятига тегишли бўлган амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларни етарли даражада билиш ва уларга риоя қилиш;

2. Тегишли тажриба, техник билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш ва уларга таянган ҳолда фаолият юритиш;

3. Ташкилотнинг ички тартиб-қоидаларига амал қилишда, тузилган битимларни ижро этишда, ҳужжатларни юритиш ва ахлоқий хатти-ҳаракатларга риоя қилишда профессионал мулоҳазани қўллаш.

Бозор иштирокчилари уларнинг касбий нуфузи, ҳалоллиги ёки мустақиллигига салбий таъсир кўрсатадиган фирибгарлик билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

Бозор иштирокчилари ўз фаолиятлари давомида Кодекс талабларига риоя қилишлари, бозорнинг барча иштирокчилари ва мижозлар билан виждонан, адолатли тарзда шаффофликни таъминлаган ҳолда иш кўришлари зарур.

Шубҳали амалиётлар ва хатти-ҳаракатлардан қочиш ва уларга қарши турган ҳолда бирдамлик билан ҳаракат қилишлари, касбий амалиётини асоссиз танқид қилмасликлари ҳамда бозорнинг барча иштирокчиларига нисбатан ҳар қандай кўринишдаги камситиш ҳолатларига, касбий нуфузига путур етказадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

Валюта бозори яхлитлигини ва унга бўлган ишончни сақлаб туриш ҳамда валюта бозорида иш юритишни профессионал ва юқори стандартларда олиб бориш мақсадида бозор иштирокчилари томонидан валюта операцияларига доир Ички этика кодекси ишлаб чиқиши лозим.

Бунда, ички этика кодекси ходимлар томонидан риоя қилиниши мажбурий бўлган ҳужжат бўлиши ҳамда ички валюта бозорига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни чеклаш бўйича алоҳида тушунчаларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Ички этика кодексига йўл қўйилиши мумкин бўлган потенциал қоидабузарликлар рўйхати келтириб ўтилиши ҳамда улар билан боғлиқ интизомий жазо чораларини аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим.

Мазкур кодекс ва амалдаги қонун ҳужжатлар ўртасида номутаносиблик юзага келганда, бозор иштирокчилари қатъийроқ талаб мавжуд бўлган ҳужжатларга риоя қилишлари керак.

Бозор иштирокчилари амалдаги қонунчилик талабларининг бузилишига олиб келадиган ҳолатларни англаганда, уларда қатнашмасликлари ва ёрдам бермасликлари лозим.

Бозор иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар тўғрисида ходимларни мунтазам равишда хабардор қилиш тизими ишлаб чиқиши лозим.

Бунда, ташкилотнинг “комплаенс” ёки юридик бўлинмалари қонунчиликдаги ўзгаришлар билан ходимларни мунтазам равишда таништириб боришлари мақсадга мувофиқ. Ички ёки ташқи ўқув дастурларида қатнашиш профессионализмни оширишнинг амалий усули ҳисобланади.

IV. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАР

Ички валюта бозорининг яхлитлиги, барқарорлиги ҳамда адолатли муносабатларни таъминлаш учун маълумотларнинг конфиденциаллигини сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иштирокчилари ўз мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнида олган конфиденциал маълумотларни сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда ходимлар томонидан конфиденциал маълумотларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан кўникмаларни шакллантириш учун жавобгардирлар.

Бозор иштирокчилари мижозларининг конфиденциал маълумотларини тўғри ҳимоя қилишлари ва собиқ, амалдаги ёки потенциал мижозларининг яқунланган ёки эҳтимолий валюта савдолари тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилинмасликлари керак.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятини чеклашлари талаб қилинади.

Конфиденциал маълумотлар кенг оммага очиқ бўлмаган қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Хизмат кўрсатиш орқали мижоз тўғрисида олинган барча маълумотлар;
2. Савдо иштирокчиларининг буюртмалари ҳамда битимлари тўғрисидаги маълумотлар;
3. Банклараро валюта савдолари тўғрисидаги маълумотлар;
4. Банклараро ҳосилавий инструментлар бўйича амалга оширилган битимлар ва бошқа операциялар тўғрисидаги маълумотлар.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотларни фақат қуйидаги ҳолатларда ошкор қилишлари мумкин:

1. Собиқ, амалдаги ёки потенциал мижознинг розилиги билан;
2. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, тегишли назорат қилувчи ёки давлат органининг талабига биноан;
3. Марказий банкнинг талабига асосан.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотларни ошкор қилишда амалдаги қонунчиликда белгиланган чекловларни ҳисобга олишлари керак.

Агар маълумот суистеъмол қилинишига шубҳа бўлса, бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотларни ички ёки ташқи учинчи шахсларга ошкор қилмаслиги керак.

Бозор иштирокчилари томонидан конфиденциал ва бошқа турдаги маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги тўғрисидаги қатъийроқ стандартлар ўзаро шартномалар орқали белгиланиши мумкин.

Мижозларнинг валюта операциялари бўйича конфиденциал маълумотлари фақат олдиндан белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин.

Масъул ходимлар томонидан шахсий манфаатлар учун конфиденциал материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотлардан (қасддан ёки бепарволик билан) фойдаланиш орқали манфаат кўрмасликлари ёки фойда олишга интилмасликлари, шунингдек ташкилотнинг ёки бошқа мижозларнинг манфаати учун бундай маълумотларни ошкор қилмасликлари керак.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотларга асосланган савдодан воз кечишлари керак, шу билан бирга уларнинг масъул ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ташкилотларидан ташқарида, ҳатто иш жойларини ўзгартирганларидан кейин ҳам бундай маълумотларни ошкор қилмасликлари керак.

Бозор иштирокчилари конфиденциал маълумотлардан ички валюта бозоридаги операцияларда ва ташкилотнинг бошқа соҳаларида ўринли фойдаланишни таъминлаш учун қатъий сиёсат ва назоратга эга бўлиши керак.

Бозор иштирокчилари томонидан кофиденциал маълумотларни ҳимоя қилиш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ҳар бир ходимнинг, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, у ишлаётган ҳар қандай маълумотларга масъулиятли ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини таъминлаш;

2. Конфиденциал маълумотни муҳофаза қилиш муҳимлиги масалаларида ходимларнинг касбий малакаси даражасини мунтазам ошириб бориш;

3. Конфиденциал маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш имкониятини чеклаш тизимида камчиликларини аниқлаб бориш ва тизимни доимий такомиллаштириш бўйича зарурий чораларни кўриш;

4. Конфиденциал маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун етарли ва замонавий техник инфратузилмани яратиш;

5. Ҳар қандай таҳдидларга ёки конфиденциал маълумотларнинг сизиб чиқишини ҳимоя қилиш тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим.

V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Манфаатлар тўқнашуви – ички валюта бозори иштирокчиларининг хизмат мажбуриятларини объектив ва холисона бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлган ҳолатларда юзага келади.

Ички валюта бозори иштирокчилари томонидан мижозлар ёки бошқа бозор иштирокчилари билан адолатли муносабатлар ўрнатиш мақсадида профессионал иш юритишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва тўлиқ бартараф этилиши лозим. Агар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ бартараф этиш имконияти бўлмаса, уларни асосли равишда бошқариш зарур.

Валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишга масъул бўлган ходимлар профессионал иш юритишга тўсқинлик қиладиган манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши эҳтимолини ҳисобга олишлари ҳамда ташкилотнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича ички тартибига қатъий риоя қилишлари лозим.

Манфаатлар тўқнашуви юз бериши мумкин бўлган ҳолатлар:

1. Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар ёки мижоз номидан амалга оширилган операцияларда шахсий манфаатдорликнинг мавжуд бўлиши;

2. Молиявий ёки бошқа турдаги рағбатларга эришиш мақсадида маълум бир мижоз манфаатидан бошқа бир мижоз ёки мижозлар гуруҳи манфаатини устун қўйиш;

3. Мижозга кўрсатилган хизматлар учун мижоздан ташқари бошқа шахсдан ҳадялар, пул маблағлари, товар ёки хизматлар кўринишида рағбатлар олиш;

4. Валюта операцияларини амалга оширишга масъул ходимларнинг мижозлар ва бошқа бозор иштирокчилари билан шахсий муносабатлари;

5. Шахсий доирадаги тижорий фаолият;

6. Конфиденциал маълумотлардан бозор иштирокчиларининг манфаати йўлида фойдаланиши.

Бозор иштирокчилари манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятларни бартараф этишлари ёки уларни бошқариш бўйича зарурий чора-тадбирларни жорий қилишлари лозим. Мазкур чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Тузилмада мажбуриятлар ва/ёки тузилмавий бўйсунтириш даражасини чегаралаш;

2. Маълумот алмашинувида маълум тўсиқларнинг жорий қилиниши;

3. Валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишга масъул бўлган шахсда манфаатлар тўқнашуви вужудга келса, унинг мажбуриятларини ўзгартириш;

4. Декларация сиёсати, аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳамда шахсий муносабатлар бўйича, шу жумладан, қабул қилинган ҳаёлар тўғрисида ҳисоботлар юритиш сиёсатини татбиқ этиш;

5. Шахсий тижорат фаолият устидан назорат ўрнатиш сиёсати ва механизмларини жорий қилиш;

6. Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган битимларни рад этиш;

7. Шубҳали ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган шахсларро муносабатларни қилмаслик;

8. Коррупцияга қарши курашиш ва ҳар қандай даражадаги коррупция ҳолатлари тўғрисида маълумот бериш.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш принциплари:

1. Жорий ва потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида бевосита ташкилот раҳбарини ўз вақтида, асосли ва тўлиқ хабардор қилиш мажбурияти;

2. Низоларни ҳал қилишда иштирокчилар манфаатлари мувозанатига, шунингдек ҳолислик ва мустақилликка риоя қилиш;

3. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ички валюта бозори норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Маълум бир низодан асосли равишда ҳалос бўлишнинг ёки уни бошқаришнинг имкони бўлмаса, валюта бозори иштирокчилари алоқадор томонларни мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳолати тўғрисида хабардор қилишлари лозим.

VI. БОЗОР МАНИПУЛЯЦИЯСИ

Бозор иштирокчилари бозорнинг бошқа иштирокчиларини чалғитиш ва бозор фаолиятини барқарор ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида чалғитувчи нархларда буюртмаларни киритмаслиги ёки талаб, таклиф ва савдолар ҳажмини сунъий равишда оширмаслиги керак.

Бозор манипуляцияси қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

1. Нархларни сунъий равишда ўзгартириш ва белгилаш, шунингдек, харид ва сотув ҳажмларини ошириб кўрсатиш мақсадида бозор иштирокчиларининг олдиндан келишилган ҳаракатлари;

2. Валютани харид қилиш (сотиш) буюртмаларини битим имзоланишидан олдин бекор қилиб юбориш ниятида таклиф қилиш (“spoofing”, “flashing” ёки “layering”);

3. Нархларни ва савдо ҳажмларини сунъий ошириш орқали бозордаги фаолликни яратиш (“wash trades”) мақсадида сохта битимлар тузиш;

4. Нархларни кўтариш ёки тушириш мақсадида ишончли бўлмаган ва ёлғон маълумотларни тарқатиш;

5. Бозор ликвидлиги, савдо ҳажмлари ва нархлари тўғрисида нотўғри таассурот шакллантириш мақсадида бошқа турли усул ва стратегиялардан фойдаланиш.

Спуфинг (“spoofing”) - манипуляция қилишни ўз олдига мақсад қилган бозор иштирокчиси томонидан валютани харид қилиш ва сотиш бўйича кўп сонли буюртмаларни битимлар тузилиши ва уларни қаноатлантирилишидан олдин бекор қилиш ҳолати. Ушбу ҳаракатларни амалга оширишдан мақсад валютага бўлган талаб ва таклиф тўғрисида маълумот тўплаш, бозор иштирокчиларининг эътиборини жалб қилиш, ҳамда уларда бозор ҳолати ёки валютанинг нархи ва унинг ҳаракати тўғрисида сунъий равишда таассурот яратиш билан ифодаланади.

Флешинг (“flashing”) - ҳақиқий бозор нархлари ҳақида нотўғри таассурот қолдириш учун битимлар имзоланишини кўзда тутмаган ҳолда савдода буюртмалар ва уларнинг нархларини қисқа вақт давомида ушлаб туриш сўнгра уларни бекор қилиб юбориш.

Лееринг (“layering”) - бозор иштирокчиси томонидан валютани харид қилиш ва ёки сотиш бўйича турли хил курсларда кўплаб буюртмаларни улар қаноатлантирилишидан олдин босқичма-босқич бекор қилиш ниятида жойлаштириш ҳолати.

Савдоларни ювиш (“wash trades”) – бозор иштирокчиси томонидан ўзи киритган буюртмани қаноатлантирувчи қарама-қарши буюртма киритиш орқали битим имзоланганлиги тўғрисида савдо иштирокчиларида таассурот қолдиришга

уриниш. Бунда, ушбу савдо иштирокчисининг активларида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

VII. АХБОРОТ АЛМАШИШ ВА КОММУНИКАЦИЯ

Бозор иштирокчилари ўртасида маълумотлар шаффофлиги таъминланиши, ахборот алмашинувида профессионал ёндашилиши ҳамда янглиш маълумотлар тарқатилмаслиги лозим.

Маълумотлар қабул қилиб олувчи томонга тушунарли бўлиши учун оддий бўлиши керак. Шу билан бирга, иштирокчилар тегишли аудиторияга мос терминологиядан фойдаланиши ва кўп маъноли сўзлардан фойдаланишни чеклашлари керак.

Маълумотлар тўлиқлиги ва аниқлигини таъминлаш учун иштирокчилар:

1. Ёлғон ахборотни тарқатмаслиги;

2. Нархларнинг ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган тасдиқланмаган маълумотлардан огоҳ бўлиши;

3. Тасдиқланмаган маълумотларни аниқлаштириб олиши ҳамда бозорга таъсир қилиш ёки бошқа иштирокчиларини чалғитиш мақсадида турли хил ёлғон маълумотларни тарқатмасликлари керак;

Бозор иштирокчилари ахборот алмашиш жараёнидаги маълумотларнинг ўзлари хизмат кўрсатадиган ташкилотга ва бозор ҳолатига таъсир кўрсатишини англашлари керак.

Коммуникация жараёнида миждозлар тўғрисидаги шахсий маълумотлар ёки тижорий фаолияти ҳамда миждозларнинг савдо позициялари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш таъқиқланади.

Бозор иштирокчилари орасида маълумотларни кузатиб бориш, текшириш ва сақлаш имконини берувчи коммуникациянинг тасдиқланган методлари орқали алоқа қилишлари керак, ҳамда бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш лозим. Ахборот хавфсизлиги стандартлари маълумотларни узатиш усулидан қатъий назар қўлланилиши керак.

Бозор иштирокчиларида тасдиқланган ахборот алмашиш усулларининг рўйхати бўлиши ҳамда савдо фаолияти ҳақидаги маълумот алмашишда савдо бўлимлари ва трейдерларнинг коммуникациялари ёзиб борилиши керак.

Бозор иштирокчилари баъзи истисно ҳолатларда маълумотлар узатишнинг ёзиб олинмайдиган каналларидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин (*масалан, фавқулодда ҳолатларда ёки фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида*).

Бунда, рухсат этилган ҳар қандай ёзиб олинмайдиган каналлар ёки қурилмалар тўғрисида ходимларга йўл-йўриқ бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бозор иштирокчиларига нисбатан қуйидаги талаблар қўлланилиши лозим:

1. Ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган тажриба, билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш;
2. Тажриба, билим, малака ва кўникмаларни тегишли даражада такомиллаштириб бориш, ўз ходимларини ўқитиш, уларнинг малакаси ва касбий маҳоратини ошириш;
3. Ўз вазифаларини синчковлик, аниқлик, асослилик ва мустақиллик билан бажариш;
4. Барча мавжуд ишончли маълумотларга асосланиб, касбий фаолият доирасида қарорлар қабул қилиш;
5. Бошқа молия институтлари, истеъмолчилар ва тартибга солувчи органлар билан муносабатларда аниқ ва тушунарли тилдан фойдаланиш;
6. Мижозларга уларнинг манфаатларини кўзлаб кўрилган ҳаракатлар тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида маълумот бериш;

VIII. МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Бозор иштирокчилари ўз миждозлари билан муносабатларда ахлоқий меъёр ва профессионалликка амал қилишлари ҳамда адолатли ва объектив бўлишлари шарт.

Бозор иштирокчиларининг валюта савдолари жараёнида миждозлар билан амалга оширилган операциялари учун ўрнатиладиган устама нархлари адолатли ва асосли бўлиши керак.

Банк томонидан устама нарх белгилаш жараёнида миждозларга битимнинг якуний нархига устама нарх қўшилиши, бир хил ёки ўхшаш операциялар учун турли хил миждозларга ҳар хил миқдорда устама олиниши мумкинлиги тушунтирилиши лозим.

Шунингдек, миждозларга устама нархнинг қандай шаклланишини тўғрисида, хусусан устама нарх шаклланишига таъсир этувчи омиллар (шу жумладан, транзакция билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва операция харажатлар) ҳақида маълумот берилиши керак.

Банк томонидан олинаётган устама нарх миждозлар иш фаолиятининг миқёси, кредит хатарлари ва ўзаро муносабатларнинг бир хил даражада бўлишига қарамасдан миждознинг нарх шаклланиши тўғрисида етарли тажрибага эга эмаслидан фойдаланиб, бошқа миждозлардан олинаётган устама нархдан юқори бўлмаслиги зарур.

Миждозлар билан бўлган муносабатларда шаффофликни таъминлаш мақсадида бозор иштирокчилари расмий веб-сайти ҳамда ташкилотнинг миждозларга хизмат кўрсатиш бўлим(филиал)ларида кунлик валюта операциялари бўйича устама нарх бўйича маълумот бериб боришлари керак. Бунда, устама нарх

валюта курсида акс эттирилган бўлса, устама нарх ҳисобга олинган валюта курси ҳақида маълумот бериб борилиши керак.

Чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича иккитадан ортиқ курслар мавжуд бўлса, бозор иштирокчиси томонида максимал ва минимал курслар тўғрисида маълумот бериб борилиши мумкин.

IX. ҲИСОБ-КИТОБЛАР, БАҲСЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Валюта бозори иштирокчилари ички валюта бозорида битимлар бўйича ўз вақтида ва узлуксиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берадиган ишончли, самарали ва шаффоф тизимни жорий қилишлари керак.

Валюта бозори иштирокчиларининг ҳисоб-китобларни амалга оширишда учинчи томон тўловларини жалб қилишлари операцион хатарларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Шу билан бирга, иштирокчилар ҳисоб-китоблар учун учинчи томон тўловларидан фойдаланиш мобайнида ноқонуний даромадларни легаллаштириш ёки фирибгарлик ҳолатларини ҳам ҳисобга олишлари лозим. Шу муносабат билан, валюта олди-сотди операцияларида тўғридан-тўғри тўловлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Валюта бозори иштирокчилари учинчи томон тўловларидан фойдаланиш муносабатларига нисбатан аниқ дастур ишлаб чиқишлари лозим ва тўловларнинг ўтказилишида мазкур дастурга қатъий риоя қилиниши шарт.

Бундай дастур, камида, учинчи томон тўловидан фойдаланишни талаб этадиган вазиятлар ҳақида аниқ тушунчаларни, шу билан бирга, ноқонуний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши қонун ҳужжатларга амал қилмаслик рискини баҳолашларни ўз ичига олиши лозим.

Учинчи томон тўловларини амалга ошириш механизмлари битимларни амалга оширишнинг бошланишига қадар контрагентлар томонидан келишиб олинishi ва ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиши керак. Агар учинчи томон тўловидан фойдаланиш тўғрисидаги талаб битим амалга ошгандан кейин келиб тушса, худди шу тарзда батафсил таҳлил қилиниши ҳамда тегишли (масалан, комплаенс ва риск назорати) департаментига мурожаат қилишлари ва тегишли рухсатни олишлари керак.

Баҳсли вазиятлар юзага келганда томонларнинг раҳбарияти томонидан муаммо зудлик билан, адолатли равишда ва ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда ҳал қилиниши зарур.

Валюта олди-сотди операциялари бўйича ҳисоб-китоблардаги тафовутлар зудлик билан аниқланиши ва бартараф этилиши лозим. Бозор иштирокчилари

тафовутлар юзага келганда ички назоратни олиб боришлари ва томонларни бу ҳақида хабардор қилишлари керак.

Контрагентлар ўртасида келишмовчиликлар учраган ҳолларда, муаммони имкон қадар тезроқ ҳал қилиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Келишмовчилик битим суммаси, валютаси, сана(лар)и (ёки томонларнинг бирида очиқ позиция) сабабли юзага келган бўлса, томонлардан бири вазиятни тартибга солиш учун ўз вақтида чоралар кўриши зарур (иккинчи томоннинг розилиги билан бўлиши мақсадга мувофиқ). Ушбу ҳаракатлар келишмовчилик натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларни олдини олишга ёрдам беради.

Келишмовчиликлар пул ўтказмаларини амалга ошираётган пайтда юзага келса, унда ушбу жараёнда иштирок этаётган барча томонлар муаммони ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари зарур.

Бозор иштирокчиларида жиноий даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш занжирининг бўғинига айланмаслик учун ўз тартиби ва назорат қилиш воситалари бўлиши керак. Улар, шунингдек, юқоридаги операциялар амалга ошириляётгани ҳақида хабар топган ёки шубҳаланган масъул ходимнинг раҳбариятга ва тегишли давлат органига зудлик билан хабар беришини таъминлашлари зарур.

Барча бўғин ходимларига бундай фаолиятнинг қонунга зид эканлиги, ҳамда ушбу фаолиятга оид операция ўтаётганлиги ёки шубҳали ҳаракат сезилса, жиноятчи ёки террорист бўлиши мумкинлиги тасдиқланмаган ҳолатда ҳам, дарҳол хабар бериш касбий бурчлари эканлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Ходимларни жиноят белгиларини аниқлай билиш ва шубҳали ҳолатларни, бунга асос бўлган ҳолатларда ифодалай билишга ўргатиш зарур. Шунингдек, ходимлар юқоридаги ҳолатлар юзага келганда кимга мурожаат қилишларини билишлари керак.

Барча бозор иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни талабларига қатъий риоя қилишлари шарт.

Х. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Ички валюта бозори иштирокчилари томонидан мазкур Кодекс қабул қилинишида Иловада келтирилган шаклдаги расмий ахборот билан бирга мазкур Кодекс ҳам барча учун очиқ маълумот сифатида ташкилотнинг веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

**ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ЭТИКА КОДЕКСИ
ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
БИЛДИРИШНОМА**

[*Ташкилот номи*] ички валюта бозори этика кодексига (кейинги ўринларда “Кодекс”) мазмуни билан танишиб чиққанлиги ҳамда ўз фаолияти давомида Кодекс талабларига риоя қилинишини билдиради. Шунингдек, [*Ташкилот номи*] фаолиятининг миқёси ва мураккаблигидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини Кодекс талабларига мослаш учун керакли чоралар кўрганлигини маълум қилади.

[Ташкилот раҳбари
Ф.И.Ш]

[имзо]
[сана]